



«ЯШИЛ» МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Носиров Эгамкул,

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Баҳолаш иши ва инвестициялар"
кафедраси мудири, и.ф.н., доцент, Тошкент, Ўзбекистон*

DEVELOPMENT OF GREEN FINANCING: SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES

Nosirov Egamkul,

*PhD, head of the department "Valuation and Investments"
Tashkent State University of Economics*

JEL Classification: D25, D53, F63, F64, F65.

Аннотация. Мақолада «яшил» молиянинг юзага келиши ва ривожланиши, «яшил» молияга илмий тадқиқотчилар, миллий институтлар ва халқаро ташкилотлар, ҳамда ҳукуматлар даражасидаги ёндашувлар таҳлил қилинган. Шунингдек, мамлакатда «яшил» молиялаштириш экотизимини шакллантириш юзасидан таклиф-тавсиялар берилган. Ушбу тадқиқот орқали олинган натижалар ва хулосалар мамлакатда «яшил» молия тизимининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Abstract. The article analyzes the emergence and development of "green" finance, approaches to "green" finance at the level of scientific researchers, national institutions and international organizations, as well as governments. Also, proposals were recommended for the formation of an ecosystem of "green" finance in the country. The results and conclusions obtained as a result of this study have a positive impact on the development of the "green" financial system in the country.

Калит сўзлар: «яшил» иқтисодий ўсиш, «яшил» молия, барқарор ривожланиш, молиявий воситалар, инвестиция, кредит, суғурта.

Key words: "green" economic growth, "green" finance, sustainable development, financial instruments, investment, credit, insurance.

Кириш. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатларнинг энергия

ресурсларига талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўз навбатида, мазкур тенденция қазиб олинмаган ёқилғиларга бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли иссиқхона газлари эмиссиясининг янада ошишига олиб келади. Бу эса, ҳар қандай мамлакат учун «яшил» иқтисодиётга ўтиш энг мақбул танлов эканлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда глобал нуқтаи назардан дунёнинг етакчи давлатлари «яшил» молиялаштиришни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг энг муҳим воситаси сифатида қарамоқда. Шунинг учун ҳам, халқаро миқёсда «яшил» молиялаштириш борасидаги назарий қарашлар ва тажрибаларни тизимлаштириш орқали мамлакатимизда мазкур молиялаштириш механизмидан самарали фойдаланиш йўналишларини тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Материал ва метод. «Яшил» молия ёки «яшил» молиялаштириш билан боғлиқ йўналишда бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Мазкур йўналишда олиб борилган изланишлар натижасида муаллифлар томонидан «яшил» молия борасида илмий ва амалий аҳамиятга молик хулосалар шакллантирилган.

Хусусан, илм оламида биринчи бўлиб Ричард Сандор 1992 йилда Колумбия университетида дарс бериш

жараёнида «яшил» молия атамасини кўллаган ҳамда мазкур атамага ўз муаллифлик таърифини берган.

Р.Сандорнинг фикрига кўра, «яшил» молияга – аввало иқлим ўзгаришларига тўсқинлик қиладиган лойиҳаларни молиялаштиришга устуворлик бериш орқали атроф-муҳитга иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш орқали янада барқарор ва экологик тоза иқтисодий ўсишни таъминлашни ҳаракатга келтирувчи асосий механизм сифатида қараш керак [1].

Хорижлик иқтисодчи олимлардан С.Косла ва унинг маслакдошлари фикрларига кўра, «яшил» молиялаштириш манбалари барқарор ривожланиш, экологик маҳсулотлар, sanoatning ифлосланишига қарши курашиш ва оқава сувларни тозалаш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш йўналишларга қаратилган лойиҳа ва ташаббусларга инвестиция сифатида киритилади [2].

У.Волз бошчилигидаги илмий жамоанинг фикрига кўра, «яшил» молиялаштириш атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатадиган ва экологик барқарорликни оширишга қаратилган барча инвестициялаш ва кредитлаш шакллари ўз ичига олади [3].

«Яшил» молиялаштириш атамасига Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан ишлаб чиқилган таъриф ҳам эътиборга молик. «Яшил» молиялаштириш – бу иқтисодий ўсишга эришиш билан бир пайтда иссиқхона газлари эмиссияси, атроф-муҳит ифлосланиши ва чиқиндилар чиқарилишини камайтириш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни молиялаштиришдир [4].

Тадқиқотнинг методологик асосини «яшил» молиялаштириш билан боғлиқ илмий ва амалий ёндошувлар ўз ичига олади. Тадқиқот жараёнида изланиш объектига тизимли ёндошув сифатида гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Натижалар. «Яшил» молия, «яшил» иқтисодиёт ва «барқарор ривожланиш» тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада изланишимиз объекти бўлган «яшил» молия тушунчасига изоҳ беришдан аввал, «яшил» иқтисодиёт ва «барқарор ривожланиш» тушунчалари мазмунига аниқлик киритиб олиш зарур бўлади. Шундан сўнг, «яшил» молиянинг «яшил» иқтисодиёт ва барқарор ривожланишга таъсири тўғрисида фикр юритилиши бу борадаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Глобал миқёсда атроф-муҳит, ижтимоий, иқтисодий ва бошқарув соҳаларига қўйилган 4 та устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш орқали барқарор ривожланишга эришилади. Барқарор ривожланиш юқорида қайд этилган тўрт унсурдан таркиб топган бўлиб, БМТ томонидан ушбу йўналишлар бўйича мақсадли кўрсаткичлар 2030 йилдан 2050 йилгача бўлган даврга белгилаб берилган.

Барқарор ривожланиш концепцияси тўғрисида фикр юритилганда, «барқарор ривожланиш» ўзи нима, мазкур тушунчанинг мазмун-моҳияти нимани ифодалайди, - деган савол туғилади. Барқарор ривожланиш борасида олиб борилган кўплаб тадқиқот ишлари билан танишиб чиқиш асосида мазкур тушунчага берилган таърифлар «барқарор ривожланиш»нинг барча қирралари тўлиқ очиб бермаган, - деган хулосага келдик. Бу борадаги изланишларимиз натижасида барқарор ривожланишга БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP)да расм тарзида тўлақонли изоҳ берилганига амин бўлдик (1-расмга қаранг).



1-Расм. Барқарор ривожланишнинг қамров даражаси [5]

Мамлакатларнинг иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари паст углеродли иқтисодиётга ўтишни, бунга иқлим ўзгаришларига мослашиш билан боғлиқ фаолиятларни кўшиб олиб борилиши иқлим ўзгаришларига қарши курашишни, бундай фаолиятга атроф-муҳитни барқарор ривожлантириш билан боғлиқ бошқа йўналишларнинг киритилиши «яшил» иқтисодиётга ўтишни, мазкур қайд этилганларга қўшимча равишда ижтимоий соҳага оид муҳим масалалар ўз ечимини топадиган бўлса, бу - ижтимоий-экологик ривожланишни, юқорида қайд этилган барча йўналишлар билан бир қаторда иқтисодий ҳамда бошқарув омилларига оид долзарб муаммолар ўз ечимини топадиган бўлса, буларнинг барчасини бир сўз билан барқарор ривожланиш, - деб аташ мумкин бўлади.

Шу билан биргаликда «яшил» иқтисодиёт тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берадиган ва кўпчилик томонидан умумий қабул қилинган таъриф ишлаб чиқилмаган. Турли илмий мақолалар ва иқтисодий адабиётларни ўрганиш жараёнида «яшил» иқтисодиёт тушунчаси билан бир қаторда «кам углеродли иқтисодиёт», «углерод нейтралли иқтисодиёт», «биоиктисодиёт», «ресурс самарадорлигига асосланган иқтисодиёт» каби тушунчалар ҳам кенг қўлланилишининг гувоҳи бўлди. Олиб борилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда UNEP томонидан «барқарор ривожланиш» тушунчасига берилган изоҳлар асосида «яшил» иқтисодиёт тушунчаси «кам углеродли иқтисодиёт», «углерод нейтралли иқтисодиёт», «биоиктисодиёт» каби тушунчалардан кўра кўлами катта эканлиги ва мазкур тушунчаларни «яшил» иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида қараш керак, деган хулосага келди.

Энди эътиборимизни «яшил» молиялаштириш тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритишга қаратамиз. Изланишларимиз натижасида «яшил» молиялаштириш борасида ҳам умум

қабул қилинган ягона таъриф мавжуд эмаслиги ойдинлашди. Тўғри, глобал ва миллий молия тизимлари, халқаро молия институтлари миқёсида юритиладиган ҳужжатларда мазкур тушунчаларга ишчи тарзда ифодаланган таърифлар ва мувофиқлик мезонлари ишлатилади. Бирок, мазкур таърифлар меъёрий-ҳуқуқий, бюджет-солиқ ва статистик ҳужжатлар учун умумий йўриқномалар, бозор стандартлари ва расмий мезонларни ифодалашга хизмат қилади.

Халқаро ва миллий даражада «яшил» молиялаштириш тушунчасига берилган таърифларни ўрганиб чиқиш ва уларни тизимлаштириш асосида бу борада 3 хил субъектив ёндашув мавжуд эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Хусусан, «яшил» молиялаштириш тушунчасига халқаро ташкилотлар ва ҳукуматлар, миллий институтлар даражасида ҳамда илмий-тадқиқот ишлари доирасида таърифлар ишлаб чиқилган.

«Яшил» молиялаштириш тушунчасига халқаро ташкилотлар ва ҳукуматлар миқёсида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (UNEP), Жаҳон Банкнинг Эксперт комиссияси, Европа Иттифоқи, Германия Ҳукумати ва Швейцария Атроф-муҳит федерал вазирлиги томонидан таърифлар ишлаб чиқилган.

Миллий институтлар даражасида «яшил» молиялаштириш тушунчасига Хитой Халқ банки ва Буюк Британиянинг Малакали банк ходимлари институти томонидан берилган таърифларни келтириш мумкин.

Илмий изланишлар доирасида «яшил» молиялаштириш билан боғлиқ тадқиқотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан «яшил» молиялаштириш борасида кўплаб изланишлар олиб борилган ва «яшил» молиялаштириш тушунчасига атрофлича изоҳлар берилган. Афсуски, изланишларимиз натижасида маҳаллий иқтисодчи олимларнинг «яшил» молиялаштириш йўналишидаги

изланишлари кам сонли эканлиги аён бўлди.

Хитойлик иқтисодчи олимлар Чи-Чуан Ли ва Чиен-Чианг Ли ўз илмий изланишларига таянган ҳолда янги молиявий тизим сифатида «яшил» молиянинг ягона таърифи мавжуд эмаслигини қайд этишади. Шунингдек, мазкур атаманинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган адабиётларни ўрганиб чиқиш асосида муаллифлар «яшил» молия тушунчасига оид қуйидаги 3 концепцияни илгари суради [6].

Биринчиси, иқлимни молиялаштириш билан боғлиқ бўлиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ифлосланишни назорат қилиш, ресурсларни тежаш ва бошқа «яшил» лойиҳаларнинг амалий масалалари билан шуғулланадиган молиявий хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади.

Иккинчи нуқтаи назар, «яшил» молияни турли молиявий воситалар ва маҳсулотлар орқали экология билан боғлиқ рискларнинг олдини олишга қаратилган молиявий инновациялар сифатида қарайди.

Учинчи ва яқинда пайдо бўлган нуқтаи назарга кўра, «яшил» инвестицияларни рағбатлантириш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга йўналтирилган кредитлар, қимматли қоғозлар, суғурта, инвестициялар ва углерод молияси орқали тоза экологик жамиятни яратишга ёрдам беришни кўзда тутадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Хитойда «яшил» молиялаштириш тушунчаси ва уни ҳуқуқий тартибга солишнинг асослари 2016 йилда қабул қилинган «Яшил молиявий тизимни яратиш бўйича қўлланма»да ўз аксини топган. Концепция мазмунини очиб берадиган асосий элементлар қуйидагилардан иборат [7]:

1. «Яшил» молиялаштиришнинг тажриба зоналари. ХХРнинг давлат Кенгаши 2017 йилда «яшил» молиялаштириш соҳасида ислохотлар қилиш ва инновациялар учун Чжецзян, Цзянси, Гуандун, Гуйчжоу ва Шинжон

вилоятларида тажриба зоналарини ташкил этишга қарор қилди. Ҳар бир тажриба ҳудуди учун бош режалар тузиб чиқилди ва тасдиқланди.

2. «Яшил» кредитлар. Хитой молия тизимида кредитлар ресурсларни тақсимлашнинг асоси ҳисобланади. Миллий даражада «яшил» кредитларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш «Яшил молиявий тизимни яратиш бўйича қўлланма»га, «Яшил» кредитларнинг статистик ҳисоботини юритиш тизимида оид йўриқномага ҳамда «Яшил» кредитлардан фойдаланиш самарадорлигига оид асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги кўрсатмага асосланади.

3. «Яшил» жамғармалар ва давлат-хусусий шериклиги. Миллий даражада Хитой молия вазирлигининг Тоза ривожланиш механизми жамғармаси (CDMF, Clean Development Mechanism Fund) жами 223 та экологик тоза ва кам углеродли лойиҳаларга инвестиция киритиб, натижада атроф-муҳитга 46,5 млн тонна иссиқхона газлари чиқарилишини қисқартиришга эришилди. Маҳаллий даражада кўплаб вилоятлар ва шаҳарларда ҳудудий яшил ривожланиш жамғармалари тузилди.

4. «Яшил» қимматли қоғозлар. Хитойда 2015 йилгача «яшил» облигациялар бозори деярли мавжуд эмас эди. Аммо, 2016 йилда Хитойда умумий ҳажми 36,2 млрд АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги «яшил» облигациялар чиқарилди. Мазкур кўрсаткич 2016 йилдаги глобал эмиссиянинг 39 фоизини ташкил этди. Шу тариқа, Хитой 2017 йилда 37,1 млрд, 2018 йилда эса, 42,8 млрд АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги «яшил» облигацияларни муомалага чиқариш ҳисобига дунёда иккинчи ўринда турадиган «яшил» облигациялар бозори сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлади. Хитой ҳукумати ҳозирда маҳаллий миқёсда «яшил» облигацияларни муомалага чиқариш тартиби ва тамойилларини халқаро стандартларга мослаштиришга ҳаракат қилмоқда.

5. «Яшил» суғурта. Хитойда 2013 йилда «Атроф-муҳитни

ифлослантирганлик учун жавобгарликни мажбурий суғурталаш» бўйича тажриба тариқасида йўриқнома қабул қилинди. Ушбу тажриба дастури Хитойнинг жами 30 та вилоятида амалга оширилди. 2018 йилга келиб, «яшил» суғурталаш масалалари Хитойнинг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги янги қонунига киритилди.

6. Экологик кредит савдоси. Экологик харажатларни баҳолашнинг шаффоф ва оммавий механизмларини яратиш орқали молия бозорида рискларни бошқаришни қўллаб-қувватлайди. Хитой 12-беш йиллик режасини жорий қилишга киришгандан буён тўртта экологик кредитларни жорий қилди. Булар: а) углеродлар чиқарилишига оид квоталар, б) ифлослантиришга бўлган ҳуқуқ, в) энергияни тежаш ва ундай фойдаланиш сертификатлари, г) сувдан фойдаланишга оид ҳуқуқлар. Хитой 2013 йилда ўзининг еттита катта шаҳар ва вилоятларида тажриба-синов тариқасида экологик кредитлар билан савдо тизимини ишга тушириши натижасида умумий квоталар 1,2 млрд тоннани ташкил этиб, жами 2391 та корхонани қамраб олди. 2018 йилда «Ифлосланувчи моддаларни чиқаришга рuxсат бериш тизимини тартибга солишга оид» йўриқнома қабул қилинди. Мазкур йўриқнома орқали ҳаво, тупроқ ва сувга ҳар қандай чиқиндиларни чиқариш устидан назорат ўрнатилди ва тартибни бузганлар ўрнатилган тартибда жаримага тортиладиган бўлди.

7. Молия тизимида экологик рисклар. Хитой ваколатли органлари томонидан 2008-2015 йилларда атроф-муҳит билан боғлиқ маълумотларни очиқлаш юзасидан бир қатор тартиб ва қоидалар ишлаб чиқилди. 2016 йилда «Яшил молиявий тизимни яратиш бўйича қўлланма» қабул қилингандан сўнг, атроф-муҳит билан боғлиқ маълумотларни очиқлаш мажбурий тартибга айланди. Хитойнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш комиссияси 2017 йилда атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларни кўп миқдорда чиқарувчи корхоналар учун атроф-муҳит

билан боғлиқ маълумотларни мажбурий тарзда очиқлаш юзасидан қарор қабул қилди. Шундан кейин, 2018 йилда мазкур рўйхатга бошқа кўплаб корхоналар киритилди. Кейинчалик, яъни 2020 йилдан бошлаб, барча Хитой корхоналари учун атроф-муҳит билан боғлиқ рисклар тўғрисида маълумотларни очиқлаш тартиби жорий қилинди.

«Яшил» молия атамасининг мазмун-моҳиятини очиқ беришга қаратилган таҳлиллар ва изланишлар асосида мазкур атамага қуйидаги мазмунда муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик. Бизнинг фикримизча, «яшил» молия – жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишга эришиш мақсадида бевосита давлатнинг қўллаб-қувватлаши асосида давлат, хусусий сектор ва халқаро ташкилотларнинг маблағларини, шунингдек, молия бозорлари орқали ёки турли молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда жалб қилинадиган молиявий ресурсларни «яшил» таснифланишга оид бўлган фаолият ва лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилишини ифодалайди.

Халқаро экспертлар томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун қарийб 30 трлн АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни жалб қилиш зарурлиги прогноз қилинган. Мазкур концепцияни рўёбга чиқариш учун маблағларни жамлаш ва уларни мақсадли йўналтириш борасида дунё миқёсида глобал молиянинг янги экотизими, яъни масъулиятли ва «яшил» молиялаштириш тизими шаклланимоқда. Буни бошқача қилиб, «яшил» молиялаштириш экотизими, - деб, аташ ҳам мумкин. Мазкур экотизим «ESG» таркибига кирувчи 3 та омилни, яъни атроф-муҳит, ижтимоий муаммолар ва корпоратив бошқарув билан боғлиқ масалаларни ўзаро яхлит ҳолда мужассамлаштирган.

«Яшил» молиялаштириш экотизими атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш билан боғлиқ лойиҳаларга маҳаллий ва халқаро молия бозорларидан

маблағларни жалб қилиш орқали ҳал қилишга қаратилган.

«Яшил» молиялаштириш экотизими 3 та тоифани ўз ичига олади (2-расмга қаранг).

<p align="center">«Яшил» молиялаштириш экотизими иштирокчилари</p>	<ul style="list-style-type: none"> • молия бозорларини тартибга солувчи давлат органлари;
	<ul style="list-style-type: none"> • табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масъул идоралар;
	<ul style="list-style-type: none"> • қимматли қоғозлар эмитентлари ва молиявий маблағларни олувчилар;
	<ul style="list-style-type: none"> • инвесторлар, активларни бошқарувчилар, молиялаштирувчи ташкилотлар ва молия бозорларининг бошқа иштирокчилари;
	<ul style="list-style-type: none"> • консалтинг компаниялари, рейтинг агентликлари, рўйхатдан ўтказувчи ва сертификат тақдим этувчи агентликлар;
	<ul style="list-style-type: none"> • илмий тадқиқот муассасалари, эксперт ташкилотлари ва бошқалар.
<p align="center">«Яшил» молиялаштиришда фойдаланиладиган молиявий воситалар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • «яшил» облигациялар (суверен ва корпоратив);
	<ul style="list-style-type: none"> • «яшил» кредитлар;
	<ul style="list-style-type: none"> • «яшил» бюджет маблағлари;
	<ul style="list-style-type: none"> • «яшил» суғурта;
	<ul style="list-style-type: none"> • «яшил» сукук (суверен ва корпоратив); • бошқа «яшил» молиявий воситалар.
<p align="center">«Яшил» молиялаштиришга оид маълумотлар базаси</p>	<ul style="list-style-type: none"> • қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги рейтинги, индекслар, кўрсаткичлар, методологиялар, тадқиқотлар, таҳлилий маълумотлар, сўровномалар;
	<ul style="list-style-type: none"> • маълумотлар базаси, реестрлар.

2-расм. «Яшил» молиялаштириш экотизими

Манба: Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилди

Биринчи тоифага кирадиганлар «яшил» молиялаштириш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этадиган иштирокчилар ҳисобланади. Уларнинг таркибига мазкур йўналишдаги фаолиятни тартибга солувчи давлат органлари, инвесторлар, кредиторлар, молия бозорларининг профессионал иштирокчилари, консалтинг компаниялари, рейтинг компаниялари, илмий тадқиқот муассасалари, эксперт ташкилотлари ва бошқалар киради.

Иккинчи тоифага «яшил» молиялаштиришда фойдаланиладиган молиявий воситалар, хусусан, суверен ва корпоратив «яшил» облигациялар, «яшил» кредитлар, «яшил» бюджет маблағлари, «яшил» суғурта, суверен ва

корпоратив «яшил» сукук ва бошқа «яшил» молиявий воситалар киради.

Учинчи тоифага эса, «яшил» молиялаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда маблағлар жалб қилишни мақсад қилган иқтисодиёт субъектларига оид маълумотлар базаси, яъни қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги рейтинги, индекслар, кўрсаткичлар, методологиялар, тадқиқотлар, таҳлилий маълумотлар, сўровномалар, маълумотлар базаси ва реестрлар киради.

Бундан шуни кўриш мумкинки, «яшил» молиялаштириш экотизими турли мақсад ва йўналишдаги иштирокчилар фаолиятини тартибга солади ҳамда уларни бирлаштиради. «Яшил»

молиялаштириш экотизимини шакллантириш билан боғлиқ мураккабликлар мазкур жараёнда кўп сонли иштирокчилар манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган ягона умумлашган методологик ёндашувга зарурат борлигини келтириб чиқарди.

Масалан, Россия банки ҳузуридаги узоқ муддатли инвестициялар бозори экспертлар Кенгаши мутахассислари фикрига кўра, «яшил» молиялаштириш экотизими қайд этиш ва мувофиқлигини тасдиқлаш нуктаъи назаридан куйидаги асосий элементлардан ташкил топади[8]:

- иқтисодиёт субъектларининг бозордаги масъулиятли ҳатти-ҳаракатлари ва «яшил» сиёсати (субъектларинг ички ҳужжатлари);

- лойиҳа ёки бизнес фаолиятнинг «яшил» сертификат олиши (экспертиза натижалари);

- иқтисодиёт субъектининг кредитга лаёқатлилиги, бизнес ёки фаолиятининг барқарорлиги (кредитга лаёқатлилиги рейтинг);

- «яшил» молиявий воситаларнинг уларга қўйилган тамойиллар, мезонлар ва тартибларга жавоб бериши нуктаъи назаридан текширувдан ўтиши (мувофиқлиги тўғрисида хулоса олиш);

- миллий ва (ёки) халқаро реестрларда ҳисобга олиш.

Бугунги кунда «яшил» молиялаштириш экотизимининг методологик асослари глобал, минтақавий ва миллий миқёсда шаклланиб бормоқда. Бу борада асосий урғу БРМга эришишга қаратилган бўлсада, кўпчилик мамлакатлар миллий манфаатлари ва иқтисодиётининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда миллий «яшил» стратегияларини ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. Шунингдек, миллий «яшил» стратегияларни мақсадли амалга оширилиши юзасидан методологик

таъминотни яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда UNEP томонидан «барқарор ривожланиш» тушунчасига берилган изоҳлар асосида «яшил» иқтисодиёт тушунчаси «кам углеродли иқтисодиёт», «углерод нейтралли иқтисодиёт», «биоиқтисодиёт» каби тушунчалардан кўра кўлами катта эканлиги ва мазкур тушунчаларни «яшил» иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида қараш керак, деган хулосага келдик.

Халқаро ва миллий даражада «яшил» молиялаштириш тушунчасига берилган таърифларни ўрганиб чиқиш ва уларни тизимлаштириш асосида бу борада 3 хил субъектив ёндашув мавжуд эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Хусусан, «яшил» молиялаштириш тушунчасига халқаро ташкилотлар ва ҳукуматлар, миллий институтлар даражасида ҳамда илмий-тадқиқот ишлари доирасида таърифлар ишлаб чиқилган.

«Яшил» молиялаштириш ва масъулиятли инвестициялаш экотизимини шакллантиришда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлмоқда:

1. Тартиб ва қоидаларни кучайтириш, яъни ихтиёрий стандартлардан мажбурий маъёвр ва талабларга ўтиш. Бунда жараён ташаббус кўрсатиш, стандартлаштириш ва тартибга солиш кетма-кетлигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

2. Ишлаб чиқарувчилар – таъминотчилар – қарз берувчилар – инвесторлар кўринишида масъулиятли ҳатти-ҳаракатлар занжирини яратиш;

3. Асосий эътиборни атроф-муҳитга қаратиш.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sandor R. Good derivatives: a story of financial and environmental innovation. Hoboken: John Wiley & Sons; 2012. 640 p. [https://www.wiley.com/en-us/Good+Derivatives%](https://www.wiley.com/en-us/Good+Derivatives%3A+a+Story+of+Financial+and+Environmental+Innovation)
2. Khosla S., Eggink E., Gilbert A. Mapping of green finance delivered by IDFC members in 2012. Paris: International Development Finance Club; 2013. -33 p.
3. Volz U., Böhnke J., Eidt V., Knierim L., Richert K., Roeber G.-M. Empirical analysis of supply of and demand for green finance in Indonesia. in: Financing the green transformation: how to make green finance work in Indonesia. Basingstoke: Palgrave Macmillan. 2015. -P. 56-94. DOI: 10.1057/9781137486127_4
4. Green Finance and Investment http://www.oecd-ilibrary.org/environment/green-finance-and-investment_24090344
5. [https://wedocs.unep.org/bitstream/handle/20.500.11822/10603/definitions_concept.pdf?sequence=1&%3BisAllowed=](https://wedocs.unep.org/bitstream/handle/20.500.11822/10603/definitions_concept.pdf?sequence=1&%3BisAllowed=1)
6. Chi-Chuan Lee, Chien-Chiang Lee. How does green finance affect green total factor productivity? Evidence from China // Energy Economics. Vol. 107. 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0140988322000469>
7. http://unepinquiry.org/wp-content/uploads/2017/11/China_Green_Finance_Progress_Report_2017_Summary.pdf
8. Концепция организации в России методологической системы по развитию зелёных финансовых инструментов и проектов ответственного инвестирования. Москва, 2019. -с. 8-9. (-87 с.)